

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.B.02.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

ЮЛДОШЕВ ХОЖИАКБАР ТОШПЎЛАТОВИЧ

**ЗАРАФШОН ДАРЁСИ ҲАВЗАСИ ҲОВУЗ БАЛИҚЧИЛИГИ
ШАРОИТИДА ЧИПОР ДЎНГПЕШОНА ВА ОҚ АМУР
БАЛИҚЛАРИНИНГ ЎСИШИ ҲАМДА РЕПРОДУКТИВ
БИОЛОГИЯСИ**

03.00.15 – Ихтиология

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд-2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Юлдошев Хожиякбар Тошпўлатович

Зарафшон дарёси ҳавзаси ҳовуз балиқчилиги шароитида чипор дўнгпешона ва оқ амур балиқларининг ўсиши ҳамда репродуктив биологияси..... 3

Юлдошев Хожиякбар Тошпулатович

Рост и репродуктивная биология пестрого толстолобика и белого амура в условиях прудового рыбоводства в бассейне реки Зерафшан..... 19

Yuldoshev Khojiakbar Toshpo'latovich

Growth and reproductive biology of bighead carp and grass carp under environments of fish pond farming in Zarafshan river basin..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 38

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.B.02.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

ЮЛДОШЕВ ХОЖИАКБАР ТОШПЎЛАТОВИЧ

**ЗАРАФШОН ДАРЁСИ ҲАВЗАСИ ҲОВУЗ БАЛИҚЧИЛИГИ
ШАРОИТИДА ЧИПОР ДЎНГПЕШОНА ВА ОҚ АМУР
БАЛИҚЛАРИНИНГ ЎСИШИ ҲАМДА РЕПРОДУКТИВ
БИОЛОГИЯСИ**

03.00.15 – Ихтиология

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд-2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/B517 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samdu.uz.) ҳамда «Ziyonet» Ахборот–таълим порталида (www.ziyonet.uz.) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камилов Бахтияр Ганиевич
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кузметов Абдулхамет Раймбердиевич
биология фанлари доктори, профессор

Собиров Жобир Жамолович
биология фалсафа фанлари доктори, PhD

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.В.02.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» ____соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Самарқанд давлат университети Биология факултети биноси, 2-қават мажлислар зали. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс (+99866) 239-11-40, E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). : 140103, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 239-11-40, (+99866) 239-18-92

Диссертация автореферати 2022 йил «__» ____куни тарқатилди.
(2022 йил «__» ____даги ____-рақамли реестр баённомаси)

З.Т.Ражамуродов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.ф.д., профессор

М.С.Кузиев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD, доцент

Х.К.Хайдаров

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлашда юқори маҳсулдорлик кўрсаткичларига эга бўлган балиқ турларини интенсив усулида етиштириш, улардан сифатли чавоқлар олиш ва ҳажмларини кўпайтириш асосий йўналишлардан бири сифатида фойдаланилмоқда. Балиқчиликни интенсив ривожлантириш замонавий илмий ютуқлар ва инновацион технологияларга асосланган юқори ишлаб чиқариш даражасига эришишни назарда тутди. Шу муносабат билан, балиқлар организмидаги мослашув механизмларини аниқлаш, уларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларини прогноз қилиш, балиқлар ҳаётининг давомийлигини ва репродуктив кўрсаткичларини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда юқори маҳсулдорлик кўрсаткичларига эга бўлган интенсив усулда балиқ етиштириш, ҳудудларда балиқчилик тармоғини ривожлантириш, балиқчилик хўжаликларига бириктирилган сув ҳавза майдонларидан илмий ёндашув асосида самарали фойдаланиш ҳамда балиқ етиштиришда ресурс тежамкор технологиялар ва инновацияларни кенг қўламда қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, насли она балиқ ва балиқ увилдириғи, ёпиқ сув айланма тизими ҳамда бошқа интенсив усулларда балиқ етиштиришни ташкил этиш, инкубация цехлари ва репродукторларни ташкил этиш, ҳовуз балиқчилиги шароитида балиқларни саноат миқёсида етиштириш ва кўпайтиришнинг интенсив усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамалакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари барқарорлигини таъминлашда тез мослашувчан балиқ турларининг биологик хусусиятларини илмий асослаш, озуқа базасини шакллантириш, балиқларни сунъий сув ҳавзаларида етиштириш ва ота-она балиқлар тўдасини шакллантириш, балиқ чавоқлари ишлаб чиқариш ҳамда табиий сув ҳавзалари ва сунъий қўллардан самарали фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб борилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «...балиқчилик, асаларичилик хўжаликларини тузиш ва бошқа юқори самарали ва юқори даромадли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ҳовуз балиқчилиги шароитида балиқларининг биологик хусусиятларини оптималлаштириш чораларини ишлаб чиқиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги 2939-сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4005-сон “Балиқчилик соҳасини

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 29 августдаги ПҚ- 816-сон “Балиқчилик тармоғини кўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 719-сон «Балиқчилик соҳасини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Балиқларни саноат миқёсида кўпайтириш технологияси турларнинг юқори ўсиш суръати, жинсий вояга етиш тезлиги, серпуштлиги ва муайян ҳудудга мослашиш жараёнларига асосланган. Ички сув ҳавзаларидаги балиқлар жинсий хужайралари ривожланиш хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар турли ҳудудларда аквакультуранинг ривожланиши Кошелев (1984) Макеева, (1992) Акимова (2000), Микодина, Пукова (2002), Акимова и др., (2004) Selman, Wallace(1989), Rideout et al. (2000), Devlin, Nagahama (2002), Lubzens et al. (2010), Schulz et al. (2010), Brown-Peterson et al. (2011) Domínguez-Petit et al. (2011), Bahamonde et al. (2011) каби хорижий олимларнинг илмий маълумотларида ёритилган.

Ер шарининг турли ҳудудларига шу жумладан, Австралиянинг жанубий-шарқий қисмидаги ирригацион тизимларга (Adamek et al., 2015), Жанубий-Шарқий Осиёга (Nathanael, S., Edirisinghe, 2001) кўчириб ўтказилган карпсимон балиқлар инвазив турларининг жинсий вояга етиши ва серпуштлиги батафсил ўрганилган. Мазкур масалалар ҳовуз балиқчилиги шароитида мамлакатимизда ва Германия, Польша, Венгрия каби хорижий мамлакатларда карпсимон балиқларни кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқишга доир тадқиқотлар Емельянова(1980), Веригин, Макеева (1981), Камиллов (1985, 1986), Камиллов и др. (1988), Solewski (1958), Brunnhoubner(1968), Horvath(1986) каби олимлар томонида олиб борилган.

Балиқларнинг ўсиш кўрсаткичи экологик шароитларни умумлаштирувчи саналади. Бу балиқлар репродуктив биологияси ва айрим вакиллари (популяциялар ичидаги ўзгарувчанлик) ва популяциялар (географик, популяциялараро ўзгарувчанлик) ўсиш санок кўрсаткичларини таҳлил қилишда фойдаланишни қулай қилади. Кейинги йилларда балиқлар ўсиш қонуниятларини аниқлаш, балиқлар ёши ва ўсишини қайд қилувчи тузилмалардан аниқлаш усуллари (Begg et al., 2005; Campana, 2001, 2005; Ballagh et al., 2011; Matta, Kimura, 2012; бошқ.) тадқиқотларида келтирилган. Шу жумладан, Австралия, Янги Зеландияга кўчирилган карпсимон балиқлар ўсишини ва ёшини тиклаш усуллари (Vilizzi, Walker,

1999; Donkers, 2004; Nargis, 2006; Tempero et al., 2006; Sedaghat, Hoseini, 2012; ва бошқалар томонидан батафсил ўрганилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Самарқанд ветеринария медицинаси институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №0194513 “Балиқларнинг кўпайиши, ўсиши ва маҳсулдорлик потенциалидан фойдаланишни самарали усуллари ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳовуз балиқчилиги шароитида оқ амур ва чипор дўнгпешона балиқларининг ўсиши ва репродуктив биологиясини асослаш орқали уларни кўпайтиришни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Турлар учун янги бўлган Зарафшон дарёси ҳавзасидаги популяция ичидаги морфологик ўзгарувчанликни таснифлаш;

Ҳар икки тур балиқлар ёшини аниқлаш ва ретроспектив ўсишини таҳлил қилиш учун балиқлар тангачасини қайд қилувчи тузилма сифатидаги имкониятини аниқлаш;

оқ амур ва чипор дўнгпешона балиқ тури вакиллари гонадогенези ва гаметогенез жараёнларининг хусусиятларини баҳолаш;

Зарафшон дарёси ҳавзаси питомникларида жинсий етилган тур вакиллариининг серпуштлик ва икралар морфологик кўрсаткичларини баҳолаш;

Зарафшон дарёси ҳавзасида оқ амур ва чипор дўнгпешона балиқларини наслчилик ишларини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Зарафшон дарёси текислик қисмидаги балиқ питомниги шароитидаги оқ амур (*Stenopharingodonidella*) ва чипор дўнгпешона (*Hypothalmichthysnobilis*) балиқлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини объектларнинг морфологик хусусиятлари, тангачасининг хусусиятлари, балиқлар ёши, ўсиш суръати, гонадегенез ва гаметогенез жараёнлари, икралар ўлчами, ўсиши кўрсаткичлари, жинсий вояга етиш ва серпуштлик кўрсаткичлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотларни амалга оширишда ихтиологик, морфометрик, микроскопик, гистологик ва вариацион статистика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жинсий вояга етган оқ амур ва чипор дўнгпешона балиқларнинг морфологик кўрсаткичларидаги ўзгарувчанлик аниқланган;

оқ амур ва чипор дўнгпешона турлари ўсишнинг ретроспектив таҳлили асосида, тангачаларнинг қайд қилувчи тузилмаси сифатидаги хусусиятлари аниқланган;

Сирдарё ҳавзасидан Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида кўчирилган балиқ турларининг маҳаллий иқлим шароитларида 8-10 авлод алмашинувидан кейинги ўсиш хусусиятлари асосланган;

Зарафшон дарёсининг ўрта оқимидаги балиқ питомниги шароитидаги оқ амур ва чипор дўнгпешона турларининг гонадогенези, гаметогенези, мутлак серпуштлилиги, жинсий етилган ва ташланган икраларнинг морфологик хусусиятлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сунъий сув ҳавзаларида балиқ тўдаларининг ўсиши, жинсий вояга етиш тезлиги ва серпуштлилиги мўътадил иқлим шароити учун яхши кўрсаткичга эга эканлиги аниқланган;

балиқлар тўдаси ишлаб чиқариш кўрсаткичларини пасайтирадиган жинсий вояга етиш тезлиги ва серпуштлик кўрсаткичлари турли-туманлигининг келиб чиқиш механизми очиб берилган;

Ўзбекистоннинг текислик қисмидаги ҳовуз балиқчилиги шароитида Оқ амур ва чипор дўнгпешона балиқларининг наслчилик ишларини оптималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Ўрганилаётган кўрсаткичларни тўғри аниқлаш имконини берадиган замонавий усуллар тўғри танланганлиги, тўпланган манбаларнинг кузда яйлов ҳовузларидан, баҳорда қишлоқ ҳовузлардан мунтазам равишда олинганлиги ва репрезентатив шаклдалиги, лаборатория шароитида камерал қайта ишланганлиги, олинган натижалар статистика тадқиқот усуллар орқали қайта ишланганлиги, олинган тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланган маълумотномалар тақдим этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти морфологик, ўсиш ва кўпайувчанлик хусусиятларининг шаклланиш кўрсаткичлари ўзгарувчанлигига баҳо берилганлиги, шунингдек, қимматбаҳо балиқ турлари ўзгарувчанлиги Орол денгизи ҳавзаси шароити ва географик ўзгарувчанлик билан боғлиқ эканлигининг кўрсатилганлиги ҳамда ушбу турларнинг Ўзбекистон шароитида юқори ўсиш суръати, жинсий вояга етиши тезлиги, серпуштлик кўрсаткичлари мўътадил иқлим шароитидаги бошқа ҳудудларига нисбатан юқори эканлигининг изоҳланиши ҳозирги замон илмий тасаввурларини бойитиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган маълумотлар ота-она оқ амур ва чипор дўнгпешона балиқлар тўдасини шакллантиришнинг биологик асосларини шунингдек, ушбу аквакультура объектларини кўпайтиришнинг республика тизимини ишлаб чиқишга ва республикада наслчилик ишларини яхшилашда мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқишга ҳизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Зарафшон дарёси ҳавзаси ҳовуз балиқчилиги шароитида чипор дўнгпешона ва оқ амурнинг ўсиши ва репродуктив биологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Зарафшон ҳавзасидаги учта балиқчилик хўжалигида оқ амур ва чипор дўнгпешона балиқларининг репродуктив кўпайтириш усуллари ва ота-она

балиқлар тўдасини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар «Хусниддин оила маркет балиқчилик» хўжалигида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 7 майдаги 02/23-174-сон маълумотномаси). Натижада, маҳаллий шароитда балиқларни кўпайтириш мавсуми муваффақиятли ўтказилиб, инкубацион қурилмаларда 4 млн дона личинкалар етиштириш имконини берган;

оқ амур ва чипор дўнгпешона балиқларининг ишчи серпуштлилиги кўпайтирилиб меъёрдаги 320-350 минг дона икрадан 450-500 минг дона икрага етказиш имконияти яратилган ҳамда балиқ личинкаларини чавоқ ҳолатигача ўстиришнинг биологик асослари «Хусниддин оила маркет балиқчилик» ва «Ҳалол лукма» балиқчилик хўжаликларида жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 7 майдаги 02/23-174-сон маълумотномаси). Натижада, оқ амур ва чипор дўнгпешона балиқларидан 120 ва 101 кг бир ёзлик чавоқлари етиштириш ҳамда ҳар бир гектардан қўшимча равишда соф даромад олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий–амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 5 та республика, 2 та хорижий журналларда ҳамда 2 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг таркиби ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулосалар фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 99 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, шунингдек, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантириш йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ихтиологик тадқиқотларда балиқларни кўпайтириш муаммоси**» деб номланган биринчи бобида балиқлар ота-она

тўдасини комплекс шакллантиришнинг ҳозирги ҳолати, аквакультурада сунъий кўпайтириш, етиштирилаётган объектлар урғочи балиқларида мутлак серпуштлигига гонадотроп препаратлар дозасининг мос келиши бўйича адабиёт маълумотлари келтирилган.



Тадқиқот ишлари гаметогенез ва гонадогенез, балиқлар серпуштлиги, муайян географик шароитда (балиқлар совуққонли бўлганлиги сабабли жинсий вояга етиш тезлигини белгилайди ва турли шароитлардаги сувнинг сифат кўрсаткичлари) муайян турлар жинсий вояга етган икралари ўлчами каби масалаларни ўрганишга йўналтирилган. Балиқларнинг ўсиши яшаш муҳитига мослашиш кўрсаткичи ҳисобланади, шунинг учун ҳам уни аниқлаш масалаларига ҳам мазкур бобда эътибор қаратилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ишининг материаллари, предмети, объекти, фойдаланилган усуллар»** деб номланган иккинчи бобида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш давомида Зарафшон дарёси ҳавзасидаги балиқчилик хўжалиқларидан тўпланган материаллар кўрсатилган бўлиб ва тадқиқот ишлари олиб борилган хўжалиқларда илмий тадқиқот режаси асосида 2011-2014 йилларда личинка ҳолида келтирилган балиқлардан ўз ота-она балиқлар тўдаси шакллантирилиб, улардан фойдаланила бошланлиги баён қилинган. Зарафшон дарёси ҳавзасининг хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар шу жумладан, иқлим кўрсаткичлари баён қилинган.

Диссертациянинг III боби **«Зарафшон дарёси ҳавзасидаги балиқ питомнигидаги оқ амурнинг биологик кўрсаткичлари»** деб номланади ва унда турнинг таксономик ҳолати, табиий ва ҳозирги вақтдаги тарқалиш ареали, биологик хусусиятлари, турнинг Ўзбекистонда пайдо бўлиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Орол денгизи ҳавзасининг текислик қисмидаги кўпчилик сув ҳавзаларида оқ амур жинсий вояга етади, аммо кўпаймайди, тур кўпайиш учун маъқул бўлган шароитни фақатгина Амударё ва Сирдарёнинг ўрта оқимида топган. Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида мазкур тур балиқлар тўдаси балиқчилик хўжалиқларидан сув ҳавзасига ўтказиш орқали сақлаб турилади.


Зарафшон дарёси шароитидаги морфологик (меристик ва пластик) хусусиятлари ҳақида маълумот келтирилган. Оқ амурнинг меристик белгилари турнинг табиий тарқалиш ареалидаги белгиларга ўхшаш, шу билан бирга, бизнинг ҳудуддаги айрим вакилларида ён чизикдаги тангачалар сони кам бўлиши мумкин, ойқулоқнинг биринчи япроғидаги устунчалар сонининг турли-туманлиги ошиб улар кам ёки кўп бўлиши мумкин.

Аллометрия: оқ амур танасининг умумий оғирлиги танасининг стандарт узунлиги билан кучли ва ижобий боғланган: $W = 0,028 * SL^{2,89}(r=0,98)$ (1 расм).



1–расм. Балиқлар танаси умумий оғирлигининг танасининг стандарт узунлигига боғлиқлиги (чапда – оқ амур, ўнгда – чипор дўнгпешона), Ҳовуз балиқчилик хўжалиги Ўзбекистон

Оқ амур балиғининг тангачаси циклоид, четлари текис ва йирик. Йиллик ҳалқаларда бошқа морфологик белгилар аниқланмади. Ўсишнинг йиллик зоналарини кенгайган (вегетация мавсуми давридаги ўсишга мос келадиган) ва торайган (балиқларнинг қишлаши) склерит бўйича аниқланди. Тангачаларнинг диагональ радиус бўйича ўлчами билан балиқлар танасининг узунлиги ўртасида боғлиқлик борлиги аниқланди. Ушбу боғлиқлик мураккаб эгри чизикли шаклга эга бўлса-да силлиқланганда тўғри чизикли боғлиқликка яқин (2–расм). Регрессион таҳлил боғлиқликнинг қуйидаги тенгламасини кўрсатди: $V = 11,6 + 2,4 * SL$ ($r = 0,98$), бу ерда V – тангачанинг диагональ радиуси ўлчами (“Микрофот-5ПО-1” аппаратида қилинган расмда). F-критерий бўйича кўрсаткич ($P < 0,05$) тўғри чизикли чизик бўлиб кўрсаткичлар боғлиқлигининг ишончли эканлигини кўрсатади. Шундай қилиб, тадқиқотларда балиқлар ўсиш суръатини қайта ҳисоблашда (3 см тузатиш билан) Р.Ли усулини қўллаш мумкин.



2–расм. Тангачалар диагональ радиусининг оқ амур (ўнгда) ва чипор дўнгпешона (чапда) балиқлар танасининг стандарт узунлигига боғлиқлиги, Ўзбекистон, Зарафшон дарёси ҳавзасидаги ҳовузлар

Ўсиши. Оқ амур – тез ўсадиган балиқ, кўпинча поликультура шароитида етиштирилганда бир хил ёшдаги карп, оқ ва чипор дўнгпешона балиқларга нисбатан ҳаётининг биринчи йилидан бошлаб тез ўсади. Зарафшон дарёси



балиқ питомниги шароитида ўсиш суръати ҳақидаги маълумот 1–жадвалда келтирилган.

1– жадвал

Турлар	Йиллар бўйича танасининг стандарт узунлиги, см				
	SL1	SL2	SL3	SL4	SL5
Оқ амур	17,7	38,2	50,9	71,6	-
Чипор дўнгпешона	16,5	30,4	48,2	66,7	80,0

Зарафшон дарёси балиқ питомниги шароитидаги ўрганилган турларнинг қайта тикланган ўртача ўсиш суръати

Урғочи балиқлар гонадогенези. Оқ амур балиғининг бир ёшли вакиллари барчасининг (SL = 16,1-30 см) гонадаси жинсий вояга етилишнинг I босқичида эди. 2 ёшли урғочи балиқларда (30-54 см) гонадалар ривожланишида турли-туманлик аниқланди: бир қисм урғочи балиқлар ҳали жинсий вояга етилишнинг I босқичида, танасининг узунлиги 35 смдан катта бўлган қисмининг гонадалари жинсий вояга етилишнинг II босқичида эди (3–расм).



3– расм. Оқ амур урғочи балиқлари гонадасининг гистологи кесмаси, чапда- жинсий етилишнинг –II босқичида, ўнгда – III босқичида.

3-ёшдаги урғочи балиқларнинг (29,5-75 см) бир қисми (узунлиги 45 см гача) жинсий етилишнинг II босқичида бўлган гонадаларга, қолган қисми (танасининг узунлиги 50 см дан катта) эса жинсий етилишнинг III босқичида бўлган гонадаларга эга эди.

4-ёшдаги барча урғочи балиқлар (танасининг узунлиги 58-80 см) гонадаси апрель ойининг охирида жинсий етилишнинг IV босқичида эди.

Балиқ питомнигидаги оқ амур балиғи гонадаси ривожланишининг балиқлар танаси стандарт узунлиги билан умумий боғлиқлиги 2–жадвалда келтирилган.

Оқ амур балиқлар урғочиларининг ёши катталашган сари ГСИ (гонадо соматик индекс) кўрсаткичи ортиб боради (4 – расм) ва биринчи марта

жинсий вояга етган балиқларда ГСИ кўрсаткичи кўпайиш мавсумига яқин 9-20%га етди (4 – расм).

2–жадвал

Жинсий етилиш босқичлари	SL , см	W , г
I	36 гача	900 гача
II	25 – 58	420– 3500
III	52 –64	2500–4270
IV	55ва ундан катта	3200 ва ундан кўп

Урғочи оқ амур балиғи гонадалари ривожланиши ва танасининг узунлиги билан боғлиқлиги

Бир ёшли эркак балиқлар гонадаси жинсий етилишнинг I босқичида эди.

Икки ёшли эркак балиқлар (33-51,5 см) танасининг узунлиги 35 смгача бўлганда жинсий етилишнинг I босқичидаги (8%), нисбатан йириклари жинсий етилишнинг II босқичидаги (92%) гонадаларга эга эди.

Уч ёшли эркак балиқлар–37,5 смгача узунликка эга бўлиб, жинсий етилишнинг II босқичидаги (26 %) гонадага эга, нисбатан йириклари (39 – 68 см) –жинсий вояга етади (74%).




4 – расм. Оқ амур урғочи балиқлари гонадаси ривожланиши билан ГСИ кўрсаткичининг ўсиши

Тўрт ёшли эркак балиқларнинг ҳаммаси жинсий вояга етган бўлади.

Жинсий вояга етмаган эркак балиқлар ГСИ кўрсаткичи процентнинг юздан бир улушини ташкил қилса, жинсий вояга етганларида – 0,09-0,49 % ни ташкил этди. .

Мутлақ серпуштлик кўрсаткичини 3-5 – ёшдаги, узунлиги – 61-72 см ва умумий оғирлиги –2985-6100 г бўлган урғочи балиқларда аниқланди. Кўрсаткич –220,5 -901,5 (ўртача $616,6 \pm 95,6$) минг дона икрани оралиғида бўлади; нисбатан йирик урғочи балиқлар серпуштлиги юқори(5 –расм): $ИМС = 1,28 * 10^{-6} * SL^{4,6} (r = 0,93)$ ва $ИМС = 0,15 * W - 301,5 (r = 0,90)$;



5–расм. Урғочи балиқлар мутлак серпуштлигининг балиқлар тана узунлиги билан боғлиқлиги (чапда) оқ амур ва (ўнгда) чипор дўнгпешона

Индивидуал нисбий серпуштлик оқ амур урғочиларида $-51-157$ ($83,1 \pm 21,3$) икра/г тана оғирлиги, ўрганилган намуналарда кўрсаткич балиқлар тана узунлиги билан ижобий боғлиқликка эга: $ИНС=3,41 \cdot SL-140,3$ ($r=0,75$) ва $ИНС=0,024 \cdot W+1,00$ ($r=0,74$).

Ишчи серпуштлик— $275-785,2$ ($394 \pm 49,9$) минг дона икрани ташкил қилади. Ташланган икралар сони $-890-1211$ ($1061 \pm 36,2$) икра, кўрсаткичдан тезкор мақсадларда фойдаланиш мумкин. Ишчи серпуштлик урғочи балиқлар тана узунлигидан қатъий назар ($r = 0,29$) ўзгариб туради.

Етилган икралар ўлчами. Диаметри $0,8$ ммгача бўлган ооцитлардан баҳор бошида бир бўлак (порция) ажралади ва уларнинг ўлчами май ойида $1-1,5$ мм га етади, яъни, оқ амурда вителлогенезнинг узук типини кузатилади ва бир вақтда етилади ҳамда етилишнинг бўлақларга бўлиниши йўқ.

Ташланган икралар ўлчами. Ташланган икралар индивидуал минимал диаметри $-0,9-1,1$ ($1,0 \pm 0,015$), максимали $-1,35-1,78$ ($1,3 \pm 0,018$), индивидуал ўртача диаметри $-1,15-1,28$ ($1,2 \pm 0,01$) ни ташкил қилади. Ташланган икралар диаметри урғочи балиқлар тана узунлигига боғлиқ эмас ($r = 0,19$) ва ишчи серпуштлик кўрсаткичидан қатъий назар ўзгариб туради ($r = 0,17$).

Диссертациянинг IV боби «**Зарафшон дарёси балиқ питомнигидаги чипор дўнгпешона балиқнинг биологик кўрсаткичлари**» деб номланади ва унда турнинг таксономик ҳолати, унинг табиий ареали ва инсон томонидан кўчирилган оқ амурдан фарқ қилмайдиган ҳудудларидаги маълумотлар шунингдек, Зарафшон ҳавзасида турнинг пайдо бўлиш тарихи келтирилган. Чипор дўнгпешона маҳаллий шароитда йирик, тез ўсувчи балиқ. Чипор дўнгпешона ҳам Орол денгизи ҳавзасининг текислик қисмидаги кўплаб сув ҳавзаларида жинсий вояга етади аммо, кўпаймайди; Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида бу балиқлар тўдаси балиқчилик хўжалиқларидан ўтказиб туриш орқали сақлаб турилади.

Зарафшон дарёси шароитидаги чипор дўнгпешона балиқнинг морфологик (меристик ва пластик) хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Аллометрия. Чипор дўнгпешона балиқлар танасининг узунлиги ва танасининг оғирлик кўрсаткичлари ўзаро кучли ҳамда ижобий боғланган. (1–расм): $W = 0,0171 * SL^{3,017}$ ($r = 0,95$).

Чипор дўнгпешона балиқнинг тангачаси циклоид, четлари текис, майда тангачали турларга киритиш зарур. Тангачасида 2-5 та учи берк бўлмаган склеритлари бўлиб, улар тангачанинг ён секторидан орқа секторига ўтишда гуёки чиқиб туради ва йиллик ҳалқаларнинг яхши морфологик белгиси ҳисобланади. Умуртқа поғонасининг биринчи ярмидаги умуртқалар балиқлар ёшини аниқлашда қўшимча тузилма сифатида хизмат қилади.


Тангачалар диагонал радиуси бўйича ўлчами ва танасининг узунлиги ўртасида кучли ижобий боғлиқлик аниқланди: $V = 6,39 + 0,97 * SL$ ($r = 0,98$) (2-расм), ўсишни ретроспектив таҳлил қилиш учун РозаЛи усулидан фойдаланиш мумкин.

Ўсиши. Намуналар 1-5 – ёшдаги балиқлардан ташкил топган эди. Чипор дўнгпешона жуда юқори ўсиш имкониятига эга. Зарафшон дарёси ўрта оқимидаги ҳовузларда чипор дўнгпешона балиқлар ота-она балиқлар тўдасини шакллантиришда ўсиши 1–жадвалда келтирилган.

Урғочи балиқлар гонадогенези. Барча бир ёшли балиқлар (14,5 – 26 см) жинсий етилишнинг I босқичидаги гонадаларга эга.

2 – ёшли урғочи балиқларда (25–33 см) гонадалар ривожланишида сезиларли даражадаги турли-туманлик аниқланди: 38% урғочи балиқлар жинсий етилишнинг I босқичида, 62% урғочи балиқлар жинсий етилишнинг II босқичида, аммо, босқичнинг энг бошланғич даври эди (6 – расм).

3-ёшли урғочи балиқлар (33-71 см) гонадаси жинсий етилишнинг II босқичида (68%) ёки III-IV босқичида (32 %) эди. Урғочи балиқлар ёш гуруҳида кўпайиш тизими ривожланиш даражаси билан балиқлар ўсиши ўртасида ижобий боғлиқлик борлиги аниқланди.



6 – расм. 2 – ёшлик майда урғочи чипор дўнгпешона балиқ гонадасининг гистологик кесмаси (март) I босқич охири II босқич бошланиши

4-ёшли урғочи балиқлар (38 - 84 см): баҳорда урғочи балиқларнинг катта қисми (28%) жинсий вояга етишнинг II босқичидаги гонадаларга эга эди, 72% III-IV босқичида эди. Бу гуруҳда урғочи балиқлар гонадасининг ривожланиши ўсиш суръати билан ижобий боғлиқлиги аниқланди. Нисбатан ривожланган гонадаларга эга бўлган урғочи балиқлар ҳаётининг биринчи йилидан бошлаб тез ўса бошлаган: SL_1-19 , SL_2-39 см, SL_3-60 см.

5-ёшли урғочи балиқларнинг барчаси жинсий вояга етган эди яъни гонадалар жинсий вояга етишнинг IV босқичида эди.

Чипор дўнгпешона балиқлар урғочисининг гонадалар етилиш босқичи бўйича хулоса қилинадиган гонадалар ривожланишининг балиқлар тана узунлиги билан умумий боғлиқлиги ҳақидаги маълумот 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Жинсий етилиш босқичлари	l , см	W , г
I	37 гача	1400 гача
II	32 -60	700-4300
III	55 -70	3500-6500
IV	70 ва ундан катта	6500 ва ундан кўп

Урғочи чипор дўнгпешона балиқлар гонадасининг ривожланиши ва тана узунлигининг боғлиқлиги

Эркак балиқлар гонадогенези. Барча бир ёшли эркак балиқлар жинсий етилишнинг I босқичида эди. 2 ёшли эркак балиқларнинг (26 - 30 см) барчаси жинсий вояга етишнинг II босқичи бошланғич давридаги гонадаларга эга. 3 ёшли эркак балиқлар (33- 68 см) жинсий вояга етишнинг турли босқичида: узунлиги 37 см бўлганлари II- босқичдаги гонадаларга, нисбатан йириклари жинсий вояга етган гонадаларга эга эди. 4 ёшли эркак балиқларнинг (39 – 86 см) барчаси жинсий вояга етишнинг IV босқичидаги гонадаларга эга эди. 5 ёшли эркак балиқларнинг ҳаммаси жинсий вояга етган эди.

Шундай қилиб, ҳовуз хўжалиқларида ота-она балиқлар тўдасини шакллантиришда фойдаланиладиган технологияда эркак балиқлар 3-4 ёшида танасининг узунлиги 60-70 смга етганда биринчи марта жинсий вояга етади.

Чипор дўнгпешона балиқлар мутлақ серпуштлигини узунлиги 67-84 см бўлган 21 дона балиқ намунасида аниқланди. Мутлақ серпуштлик – 1080-2100 (ўртача $-1480 \pm 101,1$) минг дона икрани ташкил қилди. Нисбатан йирик балиқлар серпуштлиги юқори бўлиб кўрсаткичлар боғлиқлик даражаси 5-расмда келтирилган ва куйидаги регрессия тенгламаси билан тасвирланади: $ИМС = 72,1 * SL - 3841,5$ ($r = 0,70$) ва $ИМС = 0,274 * W - 401,8$ ($r = 0,72$).

Индивидуал нисбий серпуштлик чипор дўнгпешона ота-она балиқлар тўдаси урғочи балиқларида $-123 - 315$ ($201,1 \pm 11,0$) икра/г тана оғирлиги

доирасида ўзгариб туради. Кўрсаткич урғочи балиқлар танасининг узунлиги ($r = 0,11$) ва оғирлигидан ($r = 0,21$) қатъий назар ўзгариб туради.

Ишчи серпуштлик. 2018-2019 йилларда инъекция қилиш учун Россияда ишлаб чиқилган "нерестин" гормонал препаратидан фойдаланилди (1-инъекция - 1 мл/урғочи балиққа, 2- инъекция – 2,5 мл/урғочи балиққа). Бир урғочи балиқ ишчи серпуштлиги – 700-1600 минг дона икрани ташкил қилди (меъёрий кўрсаткич – 500 минг дона икра).

Икралар ўлчами. Кўпайтириш мавсумида (май-июнь) жинсий вояга етган икралар бир хил шаклдаги гуруҳдан ташкил топади – 1,3-1,45 (1,4) мм. Зарафшон дарёсининг ўрта оқимидаги ҳовуз хўжалиги балиқ питомниги шароитида чипор дўнгпешона балиқлар икриси бир вақтда жинсий вояга етилиши аниқланди.

Диссертациянинг муҳокама қисмида ер шарининг тропик ва мўтадил иқлим ҳудудларида ўсишнинг, жинсий вояга етишнинг, серпуштлик кўрсаткичларининг юқори даражадаги географик ўзгарувчанлиги батафсил кўриб чиқилган. Ҳар икки тур кулай шароитларда жуда тез ўсиш хусусиятига эга.

ХУЛОСАЛАР

“Зарафшон дарёси ҳавзаси ҳовуз балиқчилиги шароитида чипор дўнгпешона ва оқ амурнинг ўсиши ва репродуктив биологияси” мавзусида докторлик (PhD) диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Оқ амур балиғи меристик белгилари Ўзбекистон ҳовузларида ареали билан таққослаганда ўзгармаган: елка сузгич қанотидаги шўълалар сони III 3 та, анал сузгич қанотида III 7-8 та, ҳалқум тишлари икки қатор (2,4-2,5), ён чизиғидаги тангачалар сони 38-48 (ўртача 42). Балиқларнинг бир қисмида ён чизиғидаги тангачалар сони кам, шунингдек, ойқулоқ биринчи япроғидаги устунчалар сонининг турли – туманлиги ортган –13-21 (17,4) ни ташкил этди.

2. Чипор дўнгпешона балиқлар меристик белгилари ареали билан таққослаганда ўзгармаган: елка сузгич қанотидаги шўълалар сони III 7, ҳалқум тишлари бир қатор бўлиб, формуласи 4-4, ён чизиғидаги тангачалар сони – 100-108. Анал сузгич қанотидаги шўълалар сони ўзгарувчанлиги кучайган: ареалида– III 12-13, бизда II-IV (ўртача III) 10-13 (ўртача 11) тани ташкил қилди.

3. Ҳар икки турнинг ёшини тангачаларидан ишонч билан аниқлаш мумкин: оқ амурда – йиллик зоналар бўйича, чипор дўнгпешонада тангачанинг орқа ва ён секторлари қўшилган жойдаги склеритлар йиллик ҳалқанинг муҳим белгиси ҳисобланади.

4. Ҳар икки турда балиқлар ўсиш суръатини тиклаш учун намуналар кўп бўлганда эмпирик шкалалар усули нисбатан тўғри ҳисобланади, намуналар кам бўлганда Роза Ли усулидан фойдаланиш (тўғрилаш коэффициенти оқ амур учун – 3,5 см, чипор дўнгпешона учун – 4,7) тавсия қилинади.

5. Зарафшон дарёси ҳавзасидаги ҳовузларда ҳар икки тур жуда юқори ўсиш суръатига эга: оқ амурда $SL_1 = 21,4$ см, $SL_2 = 36,8$ см, $SL_3 = 52,0$ см, $SL_4 = 68,6$ см, чипор дўнгпешонада $SL_1 = 15,6$ см, $SL_2 = 29,1$ см, $SL_3 = 49,1$ см, $SL_4 = 67,3$ см, $SL_5 = 81$ см. Ота-она балиқлар тўдасини шакллантиришда ҳозирги технология ҳар икки турнинг ўсиш потенциалидан тўлиқ фойдаланмаяпти, аммо, технологик нуқтаи назардан қараганда етарли эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз.

6. Ҳар икки турнинг Ўзбекистондаги ҳовузларда кўпаювчанлик тизимининг ривожланиши нормал кечиши учун Оқ амур балиқнинг урғочилари танасининг узунлиги –50-54 смга ва ёши 3-4 га етганда, чипор дўнгпешона тансининг узунлиги – 60 смёши 3-5 га етганда биринчи марта жинсий вояга етиши аниқланди. Жинсий вояга етиш тезлиги балиқлар ўсиши билан ижобий боғланган бўлиб, ҳар икки турнинг эркаклари урғочиларига нисбатан бир йил олдин жинсий вояга етиши аниқланди.

7. 3-5 – ёшлик узунлиги 52-78 см, оғирлиги – 2500-6400 г бўлган урғочи оқ амур балиқларнинг индивидуал мутлақ серпуштлиги –100-990 (ўртача – 506) минг икрани, нисбий серпуштлиги – 1 г тана оғирлигига – 30-164 (81) икрани ташкил қилиши аниқланди.

8. Ўзбекистонда ҳовуз балиқчилигида кўпайтириш шароитида оқ амур ва чипор дўнгпешона бир вақтда жинсий етиладиган полициклик балиқлар ҳисобланади. Оқ амурнинг жинсий етилган ооцитларининг дефинитив ўлчами – 1,1-1,4 мм, ташланган икралар диаметри– 1,1-1,8 (ўртача 1,2) ммни ташкил қилади. Чипор дўнгпешонада жинсий етилган ооцитлар диаметри – 1,3-1,45 (ўртача 1,4) мм, ташланган икралари (шишгунга қадар) – 1,4-1,75 (1,50) мм катталиқка эга эканлиги тажрибаларда исботланди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
PhD.03/30.12.2019.B.02.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ

ЮЛДОШЕВ ХОЖИАКБАР ТОШПУЛАТОВИЧ

**РОСТ И РЕПРОДУКТИВНАЯ БИОЛОГИЯ ПЕСТРОГО
ТОЛСТОЛОБИКА И БЕЛОГО АМУРА В УСЛОВИЯХ ПРУДОВОГО
РЫБОВОДСТВА В БАССЕЙНЕ РЕКИ ЗЕРАФШАН**

03.00.15 – Ихтиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2022 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.4.PhD/B517

Диссертация выполнена в Самаркандском институте ветеринарной медицины

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Камилов Бахтияр Ганиевич
доктор биологических наук

Официальные оппоненты:

Кузметов Абдулхамет Раймбердиевич
доктор биологических наук, профессор

Собиров Жобир Жамолович
доктор биологических философических наук, (PhD)

Ведущая организация:

Бухарский государтсвенный университет

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета PhD.03/30.12.2019.B.02.08 при Самаркандском государственном университете 2022 года «__» _____ в ____ часов. (Адрес: 140104, г. Самарканд, бульвар Университетский, 15. Самаркандский государственный университет, биологический факультет, конференц-зал 2-й этаж. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс (+99866) 239-11-40), Электронная почта: devonxona@samdu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован под номером __). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15, Информационно-ресурсный центр. Тел.: (+99866) 239-11-40, (+99866) 239-18-92

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 г.
(реестр протокола № “__” от “__” _____ 2022 г).

З.Т.Раджамуродов

Председатель научного совета по
присуждению ученой степени, д.б.н.,
профессор.

М.С.Кузиев

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученой степени, доцент

Х.К.Хайдаров

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученой степени, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире интенсивное выращивание высокопродуктивных видов рыб, получение качественных мальков и увеличение их объемов считается одним из основных направлений в устойчивом обеспечении продовольствием населения земли. Интенсивное развитие рыбоводства предусматривает достижение высокого уровня производства на основе современных достижений науки и инновационных технологий. В связи с этим важным является выявление механизмов адаптации в организме рыб, прогнозирование их продуктивности, разработка мероприятий по увеличению сохранности и репродуктивной способности рыб.

В мире ведутся исследования: по интенсивному рыбоводству и увеличению продуктивности рыб: развитию рыбного хозяйства в регионах, эффективному использованию водоемов, имеющихся в рыбном хозяйстве. В связи с этим особое внимание уделяется организации рыбозаведения и нереста, замкнутых систем водооборота и других интенсивных методов рыбоводства. Организируются рыбоводные и хозяйства, развиваются интенсивные методы промышленного производства и воспроизводства рыбы в прудах атакже их отлов.

В нашей стране проводятся исследования по научному обоснованию биологических особенностей быстро адаптирующихся видов рыб, формированию кормовой базы, выращиванию рыбы в искусственных прудах и формированию маточных рыбных стад, получению мальков рыб и использованию естественных прудов и искусственных озер. Это приводит к достижению определенных научных результатов. В стратегии действий² по дальнейшему развитию Республики Узбекистан поставлены важные задачи по «ведению рыбного хозяйства, пчеловодства и другой практической помощи в производстве высокоэффективной и высокодоходной продукции и реализации произведенной продукции». Разработка мероприятий по оптимизации биологических свойств имеет большое теоретическое и практическое значение.

